



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 3 март, № 44 (7824)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда маслаҳатчи Чакрабартининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг узок муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялари кўриб чиқилди.

Уларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада электротехника саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш, янги турдаги замонавий электротехника ва электромашиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тармоқнинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилоқда.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий электротехника ва электромашиий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарининг илмий-технологик, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар учун электротехника тармоғи самарадорлигининг кўйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин;
2. 2021-2022 йилларда электротехника тармоғи самарадорлигининг кўйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин:
3. 2021 йил 1 мартдан бошлаб электротехника ва электромашиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириниш учун электротехника тармоғи корхоналарига Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган фойз ставкаси билан миллий валютада бериладиган кредитларнинг 20 миллиард сўмгача бўлган қисми бўйича фойз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмини, бироқ 5 фойзлик пунктдан кўп бўлмаган микдорда Тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмама тарафиндан уч йил муддатга компенсация қилиш тартиби ўрнатилсин.
4. Электротехника тармоғи корхоналарини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўйидаги чоралари жорий этилсин:

асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш ва уларни 2023 йилда камидан 30 фойзга ошириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. 2021-2022 йилларда электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури 1, 1а ва 1б-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

техника ва электромашиий маҳсулотларни бarcha мамлакатларга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фойзини, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транспортида 15 фойзидан, темир йўл транспортида 20 фойзидан кўп бўлмаган микдорда қўллашга субсидиялар тақдим этиш;

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, танловлар (тендерлар) доирасида аванс тўловларини амалга ошириш (қайтарилсин), хорижий валютадаги шартнома шартларини бажариш ва етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кафолат муддатларини таъминлаш юзасидан маҳаллий тижорат банкларида кафолатлар олишда гаров таъминоти сифатида кафолат суммасининг 50 фойзигача, бироқ 3 миллион АҚШ долларидан ошмаган микдорда кафилиликлар бериш.

3. 2021 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 январга қадар муддатга ҳисобот даври яқунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми микдори умумий тушумининг 80 фойзидан кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фойзга камайитириш тарзида солиқ имтиёзлари берилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Ҳиндистон: МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши раҳбари, Ҳиндистон парламенти юқори палатаси аъзоси Винай Сахасрабудхе билан учрашди.

Меҳмон Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жаҳаси, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини демократлаштириш ва мустақамлаш жараёнларида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар Ҳиндистонда катта қизиқиш билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. У юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо бераркан, бу борада-

ги ютуқлар халқаро ҳам-жамият томонидан ҳам кенг эътироф этилаётганини қайд этди. Сўхбат чоғида икки давлат раҳбарларининг сайй-харақатлари билан сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар стратегик ҳамкорликнинг янги даражасига кўтарилгани таъкидланди. Бундай руҳда ривожланаётган алоқалар, албатта, икки мамлакат учун ҳам юқори самара беради.



«Халқ сўзи» учун махсус ИТАЛИЯНИНГ ФЛОРЕНЦИЯ ШАҲРИДА ЎЗБЕКISTONNING ФАХРИЙ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

Элчи Отабек Акбаров II Santuccio ассоциацияси президенти Леонардо Комуччиға Ўзбекистоннинг Италиянинг Тоскана ва Умбрия вилоятларидаги (идораси Флоренция шаҳрида жойлашган) фахрий консули этиб тайинланганини тасдиқловчи консуллик патентини топширди.

Ўзбекистон фахрий консулхонасининг расмий очилиш маросими Тоскана вилояти ҳукумати биносида президент (губернатор) Эуженио Жани, унинг маслаҳатчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

Тоскана Италиянинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, Флоренция шаҳри унинг маъмурий маркази ҳисобланади. Минтақа ўзининг тарихи, бадият мероси ва жаҳон маданиятига таъсири билан машҳур. Италия Уйғониш даврининг етуқ вакиллари Леонардо да Винчи, Микеланжело, Боттичелли, Брунеллески каби кўлаб таниқли санъат ва фан арбоблари ушбу вилоятда яшаб, ижод қилган. Бу ерда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган 7 та тарихий иншоот мавжуд. Тоскана, шунингдек, Италиянинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган минтақаларидан биридир, мамлакат ялли ички маҳсулотининг 7 фойзи шу ерда шакллантирилади.



ЮКСАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишларига тўхталиб, 7 та муҳим ташаббусни илгари сурди.

Жумладан:

- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттириш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш, имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш;
- аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича ишларни изчил давом эттириш;
- “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказиш;
- фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайитириш бўйича қатъий чоралар кўриш.

Академик Оқил САЛИМОВ:

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ — ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ТОПИШ, ТАРБИЯЛАШ

Президентимизнинг деярли ҳар бир нутқида “қизил чизик” бўлиб ўтадиган фикр шундан иборатки, Ўзбекистоннинг келгуси ривожини халқаро миқёсдаги кескин рақобат шароитида миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашга қодир бўлган янги авлод бошқарувчилари белгилаб беради.

Давлат раҳбарининг бу йўналишдаги ташаббусларини рўёбга чиқариш бошлаб ҳам юборилди, яъни Президент мактаблари ва ижод мактаблари очилмоқда, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси ортди, янги-янги олий таълим муассасалари ташкил этиляпти.

Учинчи Ренессанс сари

Бу ишларнинг асосида замонавий бил-имларни эгаллаб, сўнг улардан янги технологияларни жорий этган ҳолда, самарали фойдалана оладиган иқтидорли ёшларни аниқлашдек улғувор мақсад муҳим.

Иқтисодиёти табиий захираларни экспорт қилишга асосланган мамлакатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистоннинг келажаги инновацион технологиялар ривожига, энергетика, саноат ва қишлоқ хўжалигида бутунлай янгича услубларга ўтиш,

фуқаролик жамиятининг ҳам рақамли технологияларга ўтиши билан боғлиқ. Бу борада Жанубий Корея, Бразилия, Индонезия ва бошқа жадал ривожланаётган давлатлар тажрибаси қўл келмоқда.



ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИНИНГ ШОДИЁНАСИ

1996 — 2001 йиллар...

Нега мақола аввалида айнан ушбу йиллар эсга олинапти, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз?! Ватанимиз мустақилликка эришганига ҳали кўп бўлмаган ўша кезларда таълим-тарбия, илм-фанни ривожлантириш кун тартибидаги масалалардан эмасди. Асосий эътибор иқтисодиётни ўнглаб олиш, аҳолининг кундалиқ озиқ-овқат

эҳтиёжларини қондириш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган эди.

Лекин шундай мураккаб даврларда ҳам, бор кучини таълимни ривожлантиришга йўналтирган, айниқса, олис қишлоқларда яшовчи, қалби орзу-умидларга тўла ўғил-қизлар келажаги ҳақида қайғурган фидойий инсонлар туфайли қўлаб иқтидорли ёшлар олдиларига қўйган эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлди.

Дилдаги гаплар

Тахририятимиз меҳмони Дилдора Эргашева ёшлик даврларини эслаб, ўқувчилик пайтларидаёқ қалби тўрига тугиб қўйган дил сўзларини юракдан тўлқинланиб гапириб берди.

Куйида сўхбатдошимизнинг фикр-мулоҳазаларини баён қиламиз:

— Пойтахт кўчаларидан юриб иш-хонамга келар эканман, беихтиёр Мирзачўл далаларида сув лотокнинг соясида китобга термилиб, кўнглидаги орзуларини кимга айтишни билмай турган 11 ёшли қизалоқ кўз олдидан ўтади.


...1996 йилнинг кеч кузи. Жиззах

вилоятининг Дўстлик туманидаги “Янгиобод” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли пахта даласи майдони. Ўша даврда мактаб ўқувчилари ёппасига пахта йиғим-теримига жалб қилинади. Декабрь ойи ўрталарига қадар қишлоқ даладан бери келмасди. Ёзу чеканаси борми, чопиғи, теримчи — ҳамма ишлар, умуман, пахта иши тугагунча ўқувчилар далада юради.

Энди тасаввур қилиб кўринг, қиш-

«Ҳукумат соати» Талабалар тураржойлар билан қачон тўлиқ қамраб олинади?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари “Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни тураржойлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди. Депутатларнинг ушбу масала юзасидан саволларига Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов жавоб берди.



нингдек, мактаб шарт-шароитларини яхшилаш, иситиш чоралари кўриш юзасидан қатъий топшириқ беради. Ўша болалар орасида мен ҳам бор эдим. Берилган топшириқ ижроси эса тенгдошларим умидлари рўёбга йўл очган эди, гўё.



